44 (478)
2005 йил 2 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Би-БИ-Сининг виждони уйғоқ(ми?)!
▶ "Раиснинг ишидан хижолатга тушдим..."

3
▶ Эл корига яраётган тадбиркор
▶ Анжирчиликларга ажиб армуғон

4
▶ "Тўрт ошиёнлик улуғ Кўшк" тарихи
▶ Бир синовнинг бир сийлови...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчириш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 31 октябрь

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 1 ноябрь уни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги авқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юй Хунцзюнь ишонч рлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йилнинг август ойида Хитойга авлат ташрифи чоғида Ислом Каримов ва ХХР раҳбари Ху Цзиньтао ўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги авлатлараро шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон ва итой ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада устаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам фаол ҳамкорлик қилади. йниқса, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар жадал ивожланмоқда. Террорчилик ва экстремизм каби иллатларга қарши ураш борасида томонларнинг қарашлари муштарак.

Президент Ислом Каримов элчини янги лавозимда ишга киришгани уносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Хитойнинг амкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб ораверишига ишонч билдирди.

Хитой элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, амлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада ивожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида ътибор қаратажагини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг збекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб айинланган Сканд Ранджан Тайалдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул илиб олди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари узоқ аврларга бориб тақалади. Бугунги кунда халқларимизнинг ана шу залий алоқалари анъаналари асосида мамлакатларимиз ўртасида кўп омонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил тараққий этмоқда. резидент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг апрелида Ҳиндистонга авлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар бу муносабатлар азмунини янада бойитиб, ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш тди.

Айни пайтда алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда. авдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Яқинда халқаро еррорчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ишчи уруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Ҳиндистон элчисининг Ўзбекистондаги аолиятига муваффақият тилади.

Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон билан Ҳиндистон уносабатларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти уғилганидан мамнуият изҳор этди. Умумий манфаатларимизга измат қиладиган хайрли ишларни амалга ошириш, хусусан, армоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида меҳнат илишини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея алқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва ухтор элчиси этиб тайинланган Ли Дон Пал ҳам ишонч ёрлиғини опширди.

Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, шарафли а масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини утлаб, юртимизда бошланаётган миссиясида муваффақиятлар тилади. збекистон билан КХДР муносабатлари ривожланиб бораётгани, йниқса, мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги яхши ўлга қўйилгани таъкидланди. КХДР Ўзбекистон раҳбариятининг амлакатда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни, миллий отувликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасидаги аъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар засидан фикр алмашилди.

КХДР элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, амлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

ЎзА

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Жиззах шаҳрида «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Биз — ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» тасвирий санъат ва бадиий ижод кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 200 нафардан зиёд ёш ҳаваскор рассом қатнашди.

Кўрик-танловда плакат, расм чизиш бўйича биринчи-иккинчи ўринларни Жиззах шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг 7-синф ўқувчиси Азиз Эштемиров ҳамда алоқа коллежи ўқувчиси Валишер Ниёзов эгаллади. Иншолар танловида Жиззах давлат педагогика институти талабаси Тўйчи Аҳмедовнинг иши биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Андижон вилояти

Фармон ва ижро

ВАЗИФАЛАР КЎП, ИМКОНИЯТЛАР ЭСА БИСЁР

Вилоят ҳокимлигида Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг вилоят, шаҳар, туман ва маҳаллаларда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Фармоннинг бажарилиши бўйича Республика комиссияси аъзоси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Ғадойбоев ушбу масала юзасидан Андижон вилоятида қилинаётган ишлар хусусида сўзлади. Нотиқ қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда бир қатор камчиликлар борлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда Хонобод, Қорасув шаҳарлари, Андижон, Балиқчи, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Қўрғонтепа туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари Фармон ижросини таъминлаш борасида ўтказилган тадбирлар ва келгусидаги режалар тўғрисида ҳисоб бердилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Манзурахон Эгамова ҳам сўзга чиқиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва бу борадаги имкониятлар ҳақида гапириб, бунда жойлардаги фуқаролар йиғинларининг роли катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейди?
— Би-Би-Си деганлари Тошкентдан жуфтакни ростлабди, — дейди.

Чақирув — 2005

ЭЛИМ, „ДЕБ, ЮРТИМ, „ДЕБ ХИЗМАТ ҚИЛ, БОЛАМ

Ўз фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатаётган ота-оналар шу сўзларни такрор-такрор айтдилар

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига кузги чақирув жараёни давом этмоқда. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши ва сафарбарлик чақирув резервига олиниши керак бўлган ўғлонларимиз тўғридан-тўғри жойлардаги Мудофаа ишлари бошқармаларига қарашли йиғин пунктларидан тантанали равишда хизматга жўнатиляпти.

Жорий йилнинг 28 октябрь куни Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри Мудофаа ишлари бошқармаларининг йиғин пунктларида тўпланганлар ҳам ана шундай тантаналарга гувоҳ бўлдилар. Бу ерда Тошкент шаҳридан 55 нафар, Тошкент вилоятидан 68 нафар чақирилувчи ёшлар муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун мамлакатимизнинг Андижон, Қўқон, Бекобод шаҳарларидаги ҳарбий қисмларга жўнаб кетдилар. Тадбир чоғида бўлажак аскарларнинг ота-оналари, яқинлари ҳамда бевосита чақирув жараёнига масъул бўлган мутасадди ҳарбий ходимлар ўғлонларнинг ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, яқинлари даврасига ёруғ юз билан қайтишларини тиладилар.

МУХБИРИМИЗ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

СУРАТДА: *йигитларимизни ҳарбий хизматга кузатув пайтидан лавҳа.*

Қашқадарё вилояти

МАҲАЛЛАЛАР КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛМОҚДА

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бош бошқармаси ташаббуси билан тузилган компьютерлаштириш дастури ижроси Қарши шаҳридан бошланди. У ҳудудлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, бандлик ва аҳолининг даромадларини ўрганиш имкониятларини яратади.

— Шаҳримиздаги 62 та маҳалланинг барчасида компьютерлар ўрнатиш ишларини бошлаб юбордик, — дейди шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов. — Булар бевосита шаҳар ҳокимлигидаги компьютер марказига боғланади. Бу шубҳасиз маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тўғри баҳолай олиш, огоҳлик ва хавфсизликка оид масалаларнинг ўз вақтида ечимини топиш ҳамда бу борадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ўзини ўзи бошқариш органларида ишларни мувофиқлаштиришда катта аҳамият касб этади. Тез кунлар ичида Шаҳрисабз, Қитоб, Косон, Касби ва бошқа туманлар маҳаллаларида ҳам компьютерлаштириш ишлари бошлаб юборилади.

Э.ҚУРБОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Орол денгизи бўйларида Судачведан тортиб Қозоқдарё оқулигача бўлган катта ҳудуддаги ўнлаб кўл ва ички сув ҳавзалари обиҳаёт билан тўлдирилди. Натижада балиқчилик, қушчилик ва чорвачиликнинг ривожланишига замин ҳозирланди.

БАЛИҚЧИЛАР ЮТУҒИ

Мўйноқ туманидаги "Амударё" масъулияти чекланган жамият балиқчилари "Кўксув", "Улидарё", "Жийдали", "Жўлиўзак" ҳудудларида ҳар куни 12-17 центнердан балиқ овлашиб, истеъмолчиларга етказиб беришяпти.

Балиқ овлаш учун жамият аъзоларига етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу боис Мўйноқ балиқчилиги шуҳратини тиклаш учун астойдил курашаётган "Амударё"чилар 540 центнер балиқ овлаб, йиллик шартномавий режани бажардилар. Айни кунларда балиқ овлаш ишлари қизғин тусга кирган.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ОЛТИНСОЙДА ЙЎЛЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Олтинсойда йўл қурилиши соҳада янгича йўналиш, янгича иш тартиблари... Тумандаги йўл хўжалиги, таъмирлаш, фойдаланиш пудрат корхонаси зиммасига 195 километрлик йўлларни назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Унинг 27 километри республика, 65 километри вилоят аҳамиятига эга бўлган йўллардир. Барча ишлар, барча тадбирларнинг бошида Фарҳод Югаев. У раҳбарлик қилаётган корхонада ҳозир 72 нафар ишчи-хизматчи бор.

Жорий йилнинг ўзида олтинсойлик йўлсозлар 20 та автобекат, 1650 та йўл белгиларини таъмирладилар. 29 та кўприк, 286 та сув қувурларини таъмирлаш ишларини амалга оширдилар. Ички имкониятлардан келиб чиқиб, Наврўз, Янгиобод, Ипоқ, Ширин каби маҳаллалардаги ички йўлларни асфальтладилар. Бинобарин, 2 та мактаб ўқувчилари ҳам йўлсозлардан миннатдор. Ўйингоҳлар уларнинг ёрдами билан текисланди. Тоғ қишлоқлари — Вахшивор, Дуоба, Ҳайрондара, Хўжасоат, Экрас томон туташган йўлларни ободонлаштиришда ҳам йўлсозларнинг ҳиссаси каттадир.

Омон ШУКУРОВ, Парда НАЗАРОВ.

Обуна — 2006

Тошкент шаҳри

"MAHALLA" — ЙИҒИН КЎМАКЧИСИ

бунда унга ҳокимлик мутасаддилари ҳамкор бўлмоқда

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини мувофиқлаштириш, йиғин ходимлари фаолиятини янада яхшилашда тизим нашри бўлган "Mahalla" газетасининг ҳиссаси катта бўлаётгани сир эмас.

Шу боис 2006 йил учун матбуот нашрларига обуна жараёни қизғин давом этаётган бир пайтда фуқароларнинг "Mahalla"га обунасини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Яқинда Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг Чилонзор тумани бўлинмаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишда ана шу масала муҳокама этилди. Айни пайтда туманда 49 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар "Mahalla" газетаси улар фаолиятида яқин кўмакчи бўлиб келаётганлиги эътироф этилди ва шу боисдан газетага ўз вақтида обуна бўлиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди. Тумандаги маҳаллаларнинг "Mahalla"га обуна бўлишини энди бевосита бўлинма ҳамда ҳокимлигимиз мутасаддилари назорат қилиб бормоқдалар.

Н.НУРИДДИНОВА, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари.

Воқеа ва тафсилот

ДЎЛТАБЎРИ...

ёки Би-Би-Сининг Тошкентдаги ваколатхонаси ёпилишига асосий сабаб нима?

Сарлавҳани ўқиб, бу атама кўзига таниш кўринганлар бордир. Танимаганларга эслатиб ўтамизки, гўринг нурга тўлгур раҳматли Шукур Холмирзаевдан юзлаб гўзал асарлар қатори бир масалнамо чўпчак ҳам қолган. Бу чўпчак давримизнинг машҳур бир рўмонига ҳам кирган. Эмишки, хумбошгина (яъниким "дўлтагина") бир бўри иттифоқо бир куни ўз юмушини адо қилиб ўтирган сувчини кетмони билан юр оғзигача кўтариб кетибди. Ҳуллас, ўша дўлтабўри... Келинг, якун-у қиёсни мақола сўнгига қолдирайлик: ҳам фикрларни айтиб оламиз, боз яна бир андиша — ўшанда ўхшатишимиз ҳам балки сал асослироқ бўлар.

Тубандаги мулоҳазаларни баён қилишга каминани сўнгги кунларда аҳли матбуот орасида тарқалган (тарқалишига эса балки биз, яъни ўзгиналарининг лаҳжаларида айтсак "маҳаллий журналистлар" номларини сал кўпроқ тилга олиб қўйиб, "таъби нозикларига" бироз ўтиришмайроқ қолганимиз — хорижлик "тезкор маълумот бергувчилар"нинг ўзлари сабаб бўлди) бир хабар ундади: "Би-Би-Си нинг Тошкентдаги ваколатхонаси ёпилармиш". Бир қарашда ҳар қандай одам "Ёпилса не, бугун неча бир ташкилот ёпилиб, очилиб ётган бўлса" деган бир хулосага келиши мумкин. Аммо бу хулоса ўта шошқалоқлик билан ясалган хулоса бўладики, буни ўзимиз ҳам дарров англаб оламиз. Албатта, Би-Би-Си идорасининг бугун жаҳон бўйлаб тарқалганлиги, сайёрадаги воқеа-ҳодисаларни оммага тезкор етказишда унинг ҳам ўз ўрни борлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо... Нега энди 1994 йилдан буён Ўзбекистонда мухбирлик тармоғи воситасида бинойидек ишлаб келган агентлик дабдурустдан лаш-лушини йиғиштириб, хайр-маъзурни ҳам насия қилмоқда, деган саволлар миянгда ғужғон ўйнайди-ю, жавобни уларнинг ўзлари берган изоҳлардан қидирамиз. Шу ўринда изоҳ ўрнида тармоқнинг Марказий Осиё ва Кавказ хизмати раҳбари Ҳамид Исмоил жанобларининг ўз радиолари орқали айтган мана бу гапларини келтирамиз: "...Биз Би-Би-Си журналистларининг хавфсизлигини ўйлаган ҳолда шу қарорга келдик. Маҳалла-қўйларда йиғинлар ўтказилиб, мухбирларимизни халқ душманига чиқаришдек бир ҳодисалар рўй берди. Ундан ташқари Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситаларида мисли кўрилмаган айюҳаннос солиниб, демак, яна мухбирларимиз турли айбловларга дучор бўлишди...".

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

БОКСЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Жорий мавсум якунланиши арафасида дунёнинг қатор мамлакатларида профессионал бокс бўйича кўплаб жанглар ўтказилмоқда. Уларда ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек бокс мактаби шухратини оламга ёймоқда.

Яқинда ўта оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев Германияда иккита жанг ўтказиб, бразилиялик Юсимар Ипполито ва Буюк Британия вакили Марк Кренсни муддатидан олдин мағлубиятга учратган эди. Фарҳод Бакиров эса Японияда мезбонлар вакили Кацуя Иваситога ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ўтган дам олиш куни Россиянинг Челябинск шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида ўтган жанглар яна бир ҳамюртимиз Дониёр Раҳматуллаев беллашувнинг иккинчи раундидаёқ рақибини нокаутга учратди.

Айтиш жоизки, ноябрда таниқли боксчиларимиздан Темур Иброҳимов ва Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам навбатдаги жангларини ўтказади. Темур Иброҳимов 11 ноябрь куни АҚШнинг Флорида штатида америкалик профессионал боксчи Пол Маринаккиодан WBC йўналиши бўйича Fecarbox чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини 2000 йилда бошлаган Темур Иброҳимов 20 жангдан ўн тўққизтасида зафар қўлга киритган, 11 тасида рақибларини нокаутга учратган, битта учрашувда дуранг натижа қайд этилган.

Муҳаммадқодир Абдуллаев 2005 йилда иккита жанг ўтказди. Дастлаб, 15 февралда Хуан Антонио Гадойни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз, 11 июнь куни Мигель Анхел Коттога қарши 63,5 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони камари учун жанг қилди. Бироқ, Муҳаммадқодир беллашувда устунликка эришган бўлсада, кўзидан оғир жароҳат олгани боис учрашувни бошкарган ҳакамлар ўзбекистонлик боксчига баҳсни давом эттиришга рухсат бермаган эди.

Жароҳатларини даволатган Муҳаммадқодир Абдуллаев яна рингга қайтмоқда. Ҳаваскор боксчилар ўртасида барча нуфузли совринлар — Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган ҳамюртимиз 26 ноябрь куни Германиянинг Ливеркузен шаҳридаги Wilhelm-Dopatka-Halle спорт мажмуида украиналик Андрей Котельникка қарши рингга чиқади. Шу куни Руслан Чагаев ҳам жорий йилдаги тўртинчи жангини ўтказади.

Яқинда профессионал боксчиларнинг WBA йўналиши томонидан эълон қилинган рейтингда боксчиларимиз юқори поғоналарда қайд этилган.

Профессионал рингда 26 та жангдан 24 тасида ғолиб чиққан ва икки маротаба имкониятни бой берган Андрей Котельник мазкур рўйхатнинг еттинчи қаторини эгаллаб турибди. Рақибига нисбатан тўққизта учрашув кам ўтказган, 17 та баҳсдан 15 тасида ғолиб чиққан Муҳаммадқодир Абдуллаев эса WBA рейтингида ўнинчи, WBO рўйхатида ўн биринчи поғонада.

Шунингдек, рейтингларда яна икки нафар музаффар ҳамюртимиз энг кучли боксчилар сирасидан жой олган. Ўта оғир вазнли боксчилар ўртасида 19 та жанг ўтказиб, ўн саккизтасида ғалаба қозонган ва бир марта дурангга эришган Руслан Чагаев WBO йўналиши бўйича 11-ўринда қайд этилган. Профессионал рингдаги жами 24 жангининг 22 тасини ўз фойдасига ҳал қилиб, ўн тўртта учрашувда рақибларини нокаутга учратган, икки марта дурангга рози бўлган Фарҳод Бакировни WBA йўналиши мутахассислари 66 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида саккизинчи ўринга лойиқ кўрган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ДЎЛТАБЎРИ...

ёки Би-Би-Синнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ёпилишига асосий сабаб нима?

Воқеа ва тафсилот

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Бу гапларни эшитиб, "Бори шуми?" деган савол туғилади. Агар маҳалла-кўйда Би-Би-Си мухбирларини салкам халқ душманига чиқаришган бўлса, бу ўз-ўзидан бўлмагандир. Ёки маҳаллий матбуот "айюҳаннос солган бўлса" ўзгиналари томонидан солинган бир эмас, минглаб айюҳаноespeclardan ўлмаган бизнинг жонимиз экан-да унда. Ва ёки шаънларига билдирилган, боз устига исботи билан "кўрга ҳассадек" қилиб айтилган эътирозлар иззат-нафсларига тегиб кетган бўлса, йиллар давомида айнан хорижлик мухбирлар (жумладан, Би-Би-Си мухбирлари) томонидан баҳолиқудрат ислоҳот олиб бораётган ҳукуматни ёмонотлиққа чиқариб қўйишга, ўз мамлакати қонунлари доирасида фаолият юритишга чақирган идорани "режимдан олиб, режимга солиш"ларга, жаҳоннинг тўрт тарафига жар солиб, қилинган шаллақиликларга тишини тишига босиб чидаб келган ҳукуматгаям балли унда, деймиз-да. Қалай бўларкан? Буёғига энди дўппи тор келиб қолдими? Андижон воқеаларидаги ўзлари тилдан қўймаётгандек — "тезкор ёритиш"нинг миси чиқиб, у ердаги воқеаларда иштироклари фақат "ёритиш" билан чегараланмаганини "афкор омма" сезиб қолдими? Телевидениеда бир неча бор намойиш қилинган, террорчиларнинг ўз қўллари билан тасмаларга муҳрланган тасвирларини кўриб, худди "тилла топган тентакдек" ишшайган мухбирларни билиб қолдими одамлар? Оддий андижонликларнинг кўплари уйқудалиги пайтида, ҳали "сўфи таҳорат олмасдан" бир нимадан қуруқ қолгандек чопқиллаб воқеа жойига етиб боришлар нимани англатгани ошкор бўлиб қолдими? Йўқса, нега "кетаман"га тушиб қолдилар?.. Борардилар-да...

Шу ўринда яна бир мулоҳаза борки, лекин ундан олдин жаноб Ҳ.Исмоилнинг мана бу гапларини такрорлаб ўтиш жоиз бўлади. Яъни жаноб мутасадди айтганларки: "Биз кейин ҳам Ўзбекистонни ёритишга ҳаракат қиламиз. Чунки Ўзбекистон биз учун **ўта** (*таъкид бизники – **муаллиф**)* муҳим мамлакат ва унда бўлаётган ҳодисалар ҳам биз учун **ўта** муҳим". Шундай экан, яъни сиз учун бу мамлакат "ўта муҳим" экан, бу "ҳижрат" нечун, деган бир савол туғилади. Ана энди юқорида айтган мулоҳазага ўтсак бўлар. Бизнингча, бу бемаҳалдаги "сафар жабдуғини ҳозирлашдан" мақсад ҳам – жаҳон оммаси олдидаги бир ўйин. Яъни бу билан ҳам "Мана, биз қандай азият чекдик, мана – Ўзбекистондаги матбуотга бўлган муносабат" дея тамоман янги бир томоша кўрсатиш. (Худди эри дўқ қилса, бетини тимдалаб, жазавага тушадиган хотиндек). Биродар, "олти ойдан сўнг яна келиш ҳақида ўйлаб кўраркансан", нега кирар эшигингни қаттиқ ёпиб юрибсан, деган мушоҳадага ҳам боради одам.

Важларини кўрсанг, нақ достон. Нима эмиш "ўз мухбирлари хавфсизлигини ўйлаб" эмиш. Аввалambор, бу мухбирлар ўзларини бировга хафа қилдириб қўядиганга сираям ўхшамайди. Мана шу "азият чекиб, гўёки ҳукуматнинг босими остида Тошкентни тарк этишга мажбур бўлган" бир мухбирни биламан. Номлари — Моника Уитлок. Бу қизгинанинг Андижондаги қилмишлари, яъни элдан бурун жазавага тушиб "ахборотлар" тарқатиши, воқеадан бир неча кун олдин бир нимадан қуруқ қолгандек Андижонда жойлашиб олиши ҳақида кўп бор айтилди. Мен унинг ўтган йил охирида — айнан 26 декабрь — сайлов куни — Президент билан савол-жавоблар бўлиб ўтгандаги ўзини тутишини эсламоқчиман. Хуллас, ўшанда ҳамма журналистни қизиқтирган саволлар берилди, уларга берилган батафсил жавоблар ҳаммани қаноатлантирди. Шу пайт М.Уитлокнинг томдан тараша тушгандек берган инглиз тилидаги бир саволи кўз-қоши ўйнаган бир мухбирнинг (номи эсимда қолмаган) қилган таржимаси орқали янграганда жавоб берувчи тугул, журналистларнинг ўзлари ҳам таажжубда қолишди. Нима эмиш — "Нега Ўзбекистон аҳли сайловга чиқмаяпти, бундан хабарингиз борми?" эмиш. Алҳазар!.. Худди ўша пайт Санъат институтидаги мазкур савол-жавоб бўлаётган сайлов участкасига келаётган турнақатор сайловчиларни агар одам сўқир бўлмаса, кўриш қийин эмасди. Давлат раҳбари ҳам бу гапни эшитиб, дафъатан ҳайрон қолди. Сўнг ўта босиқ оҳангда бу саволга "Сизга бу маълумотни ким берганини билмадим-у, аммо мен буни сезганим йўқ" деб жавоб берилди. Юмшоқ гапирилди. Бўлмаса жиззакироқ бошқа бир одам бўлганда Уитлок хонимга қарата "Кўзинг кўрми?" деса ҳақи кетмайдиган хонаси эди...

Бу гапни эслаб ўтиришдан мурод — ўша тинмай жабрдийдадан олиниб, бечорага солинаётган чет эл журналистларининг қандай мақсадли одам эканлигини бир эслаш эди.

Яна Андижон воқеалари ва шу воқеа иштирокчилари устидан бўлаётган судга қайтсак. Судланувчилардан бирининг 27 октябрь кунги билдирган мана бу фикрини келтирамиз: "...Давлатни қандай қоралашлик, чет эллик раҳнамоларимиз берган маблағлар ҳисобидан костюм-шимлар олиб, ўзимизни зиёли қилиб кўрсатишимиз, ўта тадбиркор эканимизни, давлат эса тадбиркорликка ҳеч қандай имконият бермаётганлигини намойиш этиш ҳолатлари чет эл мухбирлари орқали бўлди..." Нима бу? Қора курсида ўтирган одамнинг ўзи бу гапни айтиб тургандан сўнг яна нима дейиш керак бу мухбирлар ҳақида? Булар — жавобини муҳтарам ўқувчининг ўзи чиқариб олиши керак бўлган саволлар.

"Зўрдан зўр келса" нима бўлишини биласиз. Сўнгги чора сифатида Андижон воқеалари устидан ўтаётган суд жараёнини атайлаб "нохолис, ўйин" деб кўришди — бунинг уйдирма эканлигини ҳамма билиб қолганини ўзлари ҳам билиб қолишди-ю, аммо энди ортга йўл йўқ эди. "Судланувчиларнинг кўрсатмалари қийноқ остида берилди" деган даъвони ғирт бемаъни оҳангда, томдан тараша тушгандек қилиб кўришди. Даъво исботини топмагач, тешилган пуфакдек шалвираб қолишди. Хуллас, минг бир усул, минг бир нағма, минг бир маломат... Энди сизга қарши "матбуот айюҳаннос солаётган бўлиб чиқдими?" ҳар ҳолда ахборот хуружини одатдагидек биз бошламадик. Хўжайиннинг берган дўппилари тор келиб қолдими? Энди яғири чиққан дўппини бизнинг бошга қўндиришга ҳаракат қилиб, жуфтакни ростлаш экан-да?..

Шошманг, акаси. Олий Судда давом этаётган жараён ҳали охирлагани йўқ эди-ку. Ёки унинг аввалида янграган "Воқеага алоқадор хорижий ташкилотларнинг аралашувларига ҳам юридик жиҳатдан баҳо берилади" деган соф қонуний даъволар капалагингизни учириб юбордими? Буёғида энди — ўзлари пиширган ошдан айланиб-ўргилиб бир татирдилар-да...

Тушуниб турибмиз — мақолада саволлар жуда кўпайиб кетди. Бу саволларни биз "дўконини ёпаётган" ташкилотга бермоқчи эдик. Ҳайрон қоласан — булар на иссиққа, на совуққа чидаркан. Ахир токайгача ғат-ғат қилган карнайчи-ю, балога қолган сурнайчи бўлиб қолаверади. Биров ўз молиявий имкониятини чамалаб (бу ўринда Би-Би-Си бош маҳкамаси назарда тутилмоқда), чув тушган вакиллари қилган фаолиятни сариқ чақага ҳам арзимаслигини англаб, ваколатхонасини ёпса ҳам айб Ўзбекистон ҳукуматида экан. Яна бир қаллоб миллиардларни ўмариб, сўнгроқ кетини беркитиш мақсадида бир думалаб "мухолифат вакили"га айланиб қолса-ю, бу ҳаракатига қонуний жавоб бериш талаб қилинганда чор томонга жар солиниб, яна ҳукумат айбдор бўлиб чиқса. Бошқа бир "мухолифатчи", ўзларини салкам "демократия онаси" деб билган опагинамнинг ўйин-кулги, ишратларга ҳуши мўлроқ қизлари кечаси билан қай гўрларда маст-аласт санғиб юриб, тонгга яқин уйларига ширакайф бўлиб кириб келса, қизгинанинг таноби тортилиш ўрнига яна балога қолган, гўёки "жабрдийдани бедарак гум қилган махсус хизматлар" айбдор. Шу кетиш бўлса, қай бир одамнинг (айниқса, аламзадароқ бўлса) сигири қисир қолса ҳам айбни ҳукуматга тўнкайвериш экан-да. Қойил-е...

Хуллас, Би-Би-Синнинг ҳалиям виждони уйғоқ экан — вақтида вазиятни тўғри баҳолаб, айбини сал тушунди. Йўқса, ҳар шаллақилари борки, унинг олдида бугунги тилга олинган агентлик "тўйга боргудек". Уларга ҳам ажру инсофни яратганнинг ўзи бериб қолар.

Энди мақола бошидаги чўпчакка қайтсак. Хуллас, ўша дўлтабўри сувчининг бир ўзини эмас, унинг кетмони билан кўтаргани сабаб бўлиб ва кетмон ғор оғзига кўндаланг туриб қолиб охири сиғмабди. Ва бошқа бир сабабдан ҳам — азбаройи орият важидан сувчини яна ўрнига келтириб қўйган экан. Ўша сабаб — дўлтабўри азбаройи зўриққанидан... "ел чиқариб" юборган экан...

Қаддингдан кетай энди, "ҳамкасб"...

Бахтиёр АБДУРАҲИМОВ

Муштарий муносабати

"Оқсоқол фуқаро йўлига ғов бўлса" 28 сентябрь, "Асос сўрашга асос борми?" 12 октябрь

ОҚСОҚОЛГА ҲАҚҒЎЙЛИК ЯРАШАДИ

Ушбу мақолаларни ўқиб жуда таъсирландим. Унда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Шоислом Шомансуров номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг асоссиз даъволар билан ўз маҳалладошларини судма-суд овора қилиб юрганлиги, ҳатто имзоларни сохталаштириб қонунбузарлик қилаётгани ёзилганди.

Аслида, биз пойтахт маҳаллаларидаги кўпгина яхши тадбирлардан, ишлардан ибрат олиб, бу ишларни амалга ошираётган йиғин раисларининг фаолиятларидан ўрганиб ўз ишимизни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда эса... Мен шахсан маҳалла раиси сифатида бу оқсоқолнинг хатти-ҳаракатлари учун хижолат тортдим.

Қонунларимизда кўрсатиб ўтилганидек тадбиркорларнинг олаётган даромади, мулки дахлсиздир, унинг ички фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маҳаллага улуш ажратилишига келсак, фаолиятимизга доир тегишли ҳужжатларда белгилаб берилганидек маҳалла молиявий имкониятлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топиши керак. Ҳар қандай тадбиркор агар унинг фаолияти йиғин томонидан қўллаб-қувватланса, ҳеч бўлмаса унга халақит берилмаса ўз маҳалласи ободончилиги учун, маҳалладошларининг фаровонлиги учун ҳисса қўшишдан бош тортмаслиги аниқ.

Бу борада маҳалла раисининг адолатпарварлиги, ҳаққонийлиги катта аҳамиятга эга.

"Асос сўрашга асос борми?" сарлавҳали мақолада яна шу мавзуга қайтилади. Уни ўқиб, оқсоқолнинг маҳалла фуқаролари билан иш олиб бора олмаётганига яна бир бор амин бўлдим. Акс ҳолда оқсоқолни маҳаллада мардикорчилик қилиб кун кўриб юрганлар ёқламаган бўларди.

Умуман, бу маҳаллада юзага келган можароли вазият, яна бу вазиятнинг юзага келишига айнан оқсоқолнинг хатти-ҳаркатлари сабабчилиги, аввало, йиғин раисининг бугунги кун талабини, маҳалла дардини яхши англаб етмаганлигини намоён қилади, менимча.

К.БОЗОРБОЕВ,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

"Шухрат" медали отахон

Наманган вилояти

УММАТАЛИ БОБОНИНГ ЎГИТИ

Уйчи туманидаги Гумбаз маҳалласида улуғ ёшларга етиб, фарзандлари ардоғида умргузаронлик қилаётган нуроний ота-онахонларни йиғин ходимлари, маҳалладошлар ҳам иззат-ҳурмат қиладилар. Умматали бобо Юнусбоев ана шундай табаррук инсонлардан. У киши юртимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида қилган ҳалол меҳнати, айни кунда бой ҳаёт тажрибаси, ўгит-насиҳатлари билан ёшларимиз тарбиясига қўшаётган катта ҳиссаси учун Юртбошимиз Фармонига асосан "Шухрат" медали билан тақдирланди.

— Аслида инсоннинг қадр-қиммати қанча йил умр кўргани билан эмас, эл-юрт равнақи йўлида қилган меҳнати билан ўлчанади, — дейди Умматали бобо. — Токи танда қувватим бор экан, ёшларни Ватанимизни севишга, унга хизмат қилишга ундайвераман.

СУРАТДА: *Умматали бобо (ўнгдан учинчи) маҳалла оқсоқоли С.Насриддинов бошчилигида йиғин ходимлари ва фаоллари билан суҳбатда.*

Жамғарма тизимида

Навоий вилояти

БЎЛИНМА САХОВАТИ

Навоий шаҳри аҳолиси кўп миллатли. Улар 126 минг нафардан зиёдроқ, 30 та маҳаллага бирлашиб истиқомат қилишади. Маълумки, шаҳар асосан саноат соҳасига ихтисослашган. Бу ерда мустақиллик даврида йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда. Ўз навбатида ҳудуднинг кейинги йиллардаги қиёфаси ҳам кўзни қувонтиради. Катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари самараси бўлган бундай ижобий ўзгаришлар бевосита шаҳардаги маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ.

Бугун ана шундай хайрли ишларга Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Собиржон Муқумов бошчилик қилаяпти.

— Кейинги йилларда маҳаллаларимизда гузарлар бунёд этишга катта эътибор қаратаяпмиз, — дейди у. — Бу борада бизга ҳомий ташкилотлар яқиндан кўмак бермоқда. Масалан, Ғалаба маҳалласида Навоий машинасозлик ва таъмирлаш заводи ҳомийлигида замонавий гузар қурилди. Бўлинмамиз ҳисобидан гузар хоналарини жиҳозлаш учун 600 минг сўм маблағ ажратдик. Шаҳардаги кам таъминланган оилаларга шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, "Қизил ярим ой" жамияти ҳамда бўлинмамиз билан ҳамкорликда моддий ёрдам уюштираяпмиз.

Истиқлол маҳалласида якка-ёлғиз инсон Қамбар момо Рўзиева истиқомат қилади. Унинг уй-жойи таъмирталаб ҳолатда эди. Собиржон Муқумов ташаббус билан чиқди. Ҳомийлар ёрдамга келишди. Хонадонда 2 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Сарфланган маблағнинг 300 минг сўми бўлинма ҳиссасига тўғри келди. Бинобарин, жорий йилда шаҳардаги 30 та маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Бўлинма бу ишга 14,5 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, ушбу йилда бўлинманинг 1 миллион 800 минг сўмлик маблағи ҳудудда истиқомат қилувчи 15 та кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиш учун сарфланди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида эса кам таъминланган оилалар ва ногиронлардан 100 нафарига байрам дастурхони ёзилиб, катта хайрия тадбири уюштирилди. Бу ишга шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳомийлик қилди.

— Ютуқларимиз бевосита, ҳомийлар, тадбиркор ва саховатпеша инсонлар кўмаги самараси , — дейди Собиржон Муқумов. — Шаҳар маҳаллаларининг обод ва кўркамлигини, фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлаш мақсадида иқтисодий бақувват ташкилотлар, корхона ва ҳиссадорлик жамиятларига алоҳида таклифлар билан чиқаяпмиз. Натижа ёмон бўлмаяпти. Хусусан, яқинда таклифимизга биноан "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти шаҳардаги Бунёдкор маҳалласи учун ҳудудда жойлашган эски ташландиқ бинони қайта таъмирлаб , 14 хонадан иборат гузар қуриш ишларини бошлаб юборди. Бу иш учун ҳиссадорлик жамияти 31 миллион сўм маблағ ажратган. Гузар янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Айни пайтда бундай бунёдкорлик ишлари шаҳардаги Хончорбоғ ва Бинокор маҳаллаларида ҳам олиб борилмоқда.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Қутқарув хизмати" хабар қилади

Ёрдамга муҳтож инсонга оғир дамларда мадад қўлини чўзиш, мушкулини енгиллатиш хайрли иш саналади. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли идораларнинг қутқарувчи-халоскор ходимлари ана шундай савобли юмуш билан кун-кунора дуч келадилар.

ДИЛДОРАНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Яқинда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Зангиота тумани ҳудудида жойлашган "Мирғаниев Х.Н" номли ош тузи корхонаси мутасаддиларидан шошилинч хабар келиб тушди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, радиацион, кимёвий, биологик (бактерилогик) муҳофаза бўлими бошлиғи, катта лейтенант Раҳмутдин Нуралиев раҳбарлигида "Қутқарув хизмати" бошлиғи, катта лейтенант Ҳусан Бобонов ва қутқарувчилар Баҳодир Исоқов, Зиёддин Исмоиловлардан таркиб топган халоскор гуруҳ зудлик билан воқеа жойига етиб бордилар. Маълум бўлишича, корхона ишчиси Дилдора Ракмедова ош тузини йод билан аралаштирувчи станокни чиқиндилардан тозалаш чоғида унинг ўнг қўлини ўша пайтда ишлаб турган станок тортиб кетади. Агар қутқарувчилар гуруҳи ўз вақтида етиб келмаганларида Д.Ракмедованинг ҳаёти фожеа билан тугаши мумкин эди. Халоскорлар саъй-ҳаракати билан станок гидравлики кенгайтирувчи асбоб ёрдамида кесилиб, Дилдоранинг қўли станокдан чиқариб олиниб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ҳамда шифохонага ётқизилди.

Хусниятхон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими.

Фаолият эътирофи

Наманган вилояти

Бундан икки йил аввал Уйчи тумани Уйчи қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Соку маҳалласи аҳли Муҳаммадвали Отақўзиевни маҳаллага оқсоқол этиб сайлаган эдилар. Мингга яқин хонадонларда тўрт мингдан зиёд аҳоли яшайдиган маҳалланинг янги раиси ишни маҳалладаги 28 та кўчанинг кўчабошилари билан бамаслаҳат бошлади.

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР ҲАФТАСИ

Кўчабошилар маҳалладаги муаммо ва камчиликлар ҳақида батафсил гапирдилар. Шу аснода оқсоқол маҳалла фуқароларининг ижтимоий турмуш шароитини чуқур ўрганди. Маҳалладаги якка-ёлғиз, ногирон ва қариялар ҳолидан мунтазам хабардор бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш каби хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратди. Ўз навбатида Муҳаммадвали ака бошчилигида фуқаролар йиғинида иш режаси тузилди. Унга кўра душанба кунида кўчабошилар билан ҳафталик ишга якун ясалиб, янги ҳафта режалари тузилса, сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари бевосита хонадонларда юриб, топшириқларнинг бажарилиши кузатилади. Жума куни шифохонада, уйида ётган беморлар ҳолидан хабар олинади. Шанба эса ободонлаштириш куни деб эълон қилинди. Байрам, ҳайит ва бошқа тантанали кунларда ночор оилаларга ёрдамлар уюштирилади.

Оқсоқол Муҳаммадвали Отақўзиев ташаббуси ва ободончилик комиссияси аъзолари ҳамда фаоллар кучи билан маҳаллада "Намунали оилалар" тажриба мактаби ташкил этилди. Бу орқали ёш оилаларнинг ҳудуддаги сариштa хонадонлардан тажриба ўрганишлари йўлга қўйилди. Шу тариқа маҳаллада ҳамма ўз хонадонига гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари экишни одат қилдилар.

— Баракали фаолияти учун маҳалла оқсоқоли Муҳаммадвали ака Отақўзиевни "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловининг вилоят босқичига тавсия этган эдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Уйчи тумани бўлинмаси раиси Абдумутал Нажмиддинов. — У кўрик-танловнинг вилоят босқичидан муваффақиятли ўтиб, республика босқичида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси томонидан таъсис этилган рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

Андижон вилояти

ҲАШАР БИЛАН ГУЗАР ЧИРОЙ ОЧДИ

Андижон шаҳрининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган Саноат маҳалласида азалдан гузар бор эди, лекин у мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий гузарларга ўхшамасди.

Шунинг учун ҳам оқсоқол Абдумухтор ака Абдураҳмонов маҳалланинг обрўли кишиларини маслаҳатга чақирди. Ҳурматли отахонлардан бири Муталлиб Шодибоев фарзандлари билан биргаликда ўз маблағи ҳисобига чойхонани таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди. Шу куни қилинадиган ишлар режаси тузилди ва маҳалла аҳлини ҳашарга чақиришга келишилди. Икки кунлик ҳашардан кейин маҳалла гузарининг қиёфаси бутунлай бошқача тус олди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

АНЖИРЧИ АҲЛИГА АРМУҒОН

... Бу қишлоқнинг довруғи бутун воҳага яхши аён. Таъми тилларда қоладиган, танларга шифою малҳам бағишлайдиган табиатнинг тансиқ неъмати — анжири билангина эмас, балки елкаси ерга тегмаган эпчил, мард полвонлари билан ҳам машҳурдир.

Оға-ини Ҳайитбой, Баҳодир,Норимон Бекжоновлар қатор халқаро мусобақалар ғолиблари Д.Сафоев, Ҳ.Ҳусаинов, Э.Жуманиёзов каби полвонлар спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишиб, вилоят ва республика шарафини ҳимоя қилиб келишяпти.

Воҳанинг Урганч туманидаги бу қишлоқнинг етти маҳалласи аҳли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида қурувчилардан ажойиб туҳфа оладиган бўлишди. Бу ерда улкан спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. "Хоразм сувқурилиш" трестининг Улуғбек Солаев бошчилигидаги бунёдкорлар жамоаси спорт мажмуаси қурилишини тезкорлик билан, айни пайтда юқори сифат асосида олиб боришяпти.

Спорт мажмуаси қурилиб битказилгач, қишлоқ аҳли учун кенг имкониятлар яратилади. Кураш, катта стол тенниси заллари, бассейн, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, ювиниш хоналари замон талаблари асосида таъмирдан чиқарилаяпти. Спорт мажмуасига туташ катта боғ, хиёбон ва гулзорлар яратиш изчиллик билан давом этяпти. Бу эзгу ишларда Анжирчи қишлоғи маҳаллаларидан келишган ҳашарчилар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒИ ХАЙРЛИ ИШЛАР УЧУН

Шеробод туманида 48 та маҳалла, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Шундай пайтлар бўлдики, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси фаолияти эътибордан четда қолди, сустлашди. Туман ҳокими бу масалага жиддий қараб, ҳокимликда ишловчи Карим Қораевни 2002 йил бўлинма раислигига тавсия қилди, йўл-йўриқ кўрсатди.

Ташкилотчи ёш мутахассис дастлабки кунданоқ жамғарма фаолиятини жонлантиришга киришди. Маҳаллалар ишини тўғри йўналтириш, ривожлантиришга кўмаклашди. Айниқса, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ёрдами билан эҳтиёжманд фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатилди, оммавий тадбирлар уюштирилди. "Энг обод маҳалла", "Энг сариштали хонадон", "Ибратли оила" кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Жорий йилда ўтказилган хайрия ҳашаридан тушган 9 миллион сўмлик маблағ мурувват ва савоб ишларга сарфланди. 2 миллион сўмлик мебел ва бошқа жиҳозлар 33 та маҳалла идорасига тарқатилди. Яна 1,5 миллион сўмлик жиҳозлар олишга буюртма берилди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ўритиш, жиҳозлаш учун 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, кўзи ожизлар, Чернобль ҳалокатида соғлиғини йўқотганларга 100 минг сўм мурувват қилинди. Яна шунча маблағ ногирон болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди. 1 миллион сўмлик маблағ сил касалликлар шифохонаси ҳисобига ўтказиб берилди.

— Бизнинг энг катта ютуғимиз одамлар кўнглини топишда, — дейди бўлинма раиси Карим Қораев. — Зеро, аҳолининг бажарилаётган ишни кўриб маҳаллага ишончи орта борсин. Фақат йиғилган маблағни мақсадли ишлатган, хайрли ишларга сарфлаган ютади. Кейинги режаларимиз ҳам шунга асосланган...

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Жамоатчилик вилоят бўлимида

Андижон вилояти

"ЯРАТУВЧАНЛИК — ФАРОВОНЛИК КЕЛТИРАДИ"

— дейди Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ўктамжон ҲАЙДАРОВ

Шу йилнинг ўзида бўлимимиз томонидан анча ташаббуслар ўртага ташланди. Тўғрисини айтсам, яхши таклифлар ўз вақтида қўллаб-қувватланса, ижодий самарадорлик ўз-ўзидан ортиб бораверар экан. Ҳозир вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда кўплаб ҳаётий масалалар ечимини излаяпмиз, муаммоларни бартараф этмоқдамиз. Уларнинг аксарияти бевосита аҳоли турмуш тарзини шакллантириш, маҳаллаларимизни ободонлаштиришга қаратилган.

Бу йил биз вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътиборни кучайтирдик. Маҳаллаларда миллий ҳунармандчиликни, хусусий тадбиркорликни юксалтириш, "уста-шогирд" ҳаракатини кучайтириш ва бу орқали ишсизлик муаммосига барҳам бериш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Миллий ҳунармандчилигимизнинг соҳалари бўйича ҳунармандлар уюшмалари ташкил этилди. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими қошида "Маҳалла уста-ҳунарманди" шўъба корхонаси очилди. Андижон шаҳрида янги бунёд этилган "Узум бозори"дан бу корхона ихтиёрига 9 та дўкон ажратилди. Шу жойларда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика савдо-саноат палатаси томонидан кредит олган тадбиркорларнинг ўқиши ташкил қилинаяпти. "Маҳалла уста-ҳунарманди" шўъба корхонаси ҳисоб рақамига вилоят ҳокимлиги томонидан юз миллион сўм маблағ ўтказиб берилди. Унинг эллик миллион сўми ҳунармандларга кредит тарзида тарқатилмоқда. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг вилоятнинг ҳар бир фуқароси бир тупдан кўчат ўтказиши ҳақидаги ташаббуси маҳалладошларимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда энг долзарб ишимиз диний экстремизмга қарши курашдир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар айнан маҳалладан бошланиши керак. Пойтуғ шаҳридаги педагогика коллежида "Бўстон" хотин-қизлар маркази, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат бандлиги бошқармаси билан ҳамкорликда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари билан мунозарали учрашувлар уюштирилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Диний ақидапарастлик ва ёшлар тарбияси муаммолари" мавзусида туркум кўрсатувлар тайёрланиб, вилоят телевидениеси орқали намойиш этилди.

Вилоятимизнинг барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, шунингдек, олимлар, ўқитувчилар, ички ишлар тизими ходимлари иштирокида "Ўз уйингни ўзинг асра", "Огоҳлик — давр талаби", "Дин ва сиёсат", "Дин ва қонунчилик", "Терроризм — инсоният душмани" каби мавзуларда юзлаб маърифий-тарбиявий тадбирлар, учрашувлар ўтказилди.

Мухбиримиз ёзиб олди.

Тошкент вилояти

МЕТАЛЛУРГЛАР САХОВАТИ

Меҳр-оқибатлилик ва саховат-пешалик халқимизга хос. Айниқса, кекса, боқувчисини йўқотган ва ногирон кимсаларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар бир юртдошимизга хос фазилат. Бу юртимизнинг улуғ байрам ва тантаналарида, жумладан, муборак рўзаи рамазон кунларида янада яққол намоён бўлди.

Яқинда Бекобод шаҳридаги металлургия заводи маъмурияти туманда яшовчи йигирма нафар ногиронларни ногиронлик аравачалари билан таъминлашга ҳомийлик қилди.

СУРАТДА: *туман ҳокими муовини М.Мўминова ногиронларга совға-салом ва аравачалар улашмоқда.*

С.ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

"ИСМОИЛ"НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

бу имкониятлар маҳалла фаровонлигини оширишда қўл келмоқда

Бугун мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятига кенг йўл очилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Денов шаҳридаги Ойбек номли маҳалла ҳудудида фаолият юритувчи "Исмоил" фермер хўжалиги ташкил этилганидан буён хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Исмоил Тангиров раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалиги 19 гектар ер майдонига эга бўлиб, унинг асосий даромади пахта ва ғаллачиликдан. Ўтган йили давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича режани ортиғи билан бажарган "Исмоил" фермер хўжалиги мамлакатимиз Президенти томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланган эди. Бу йил эса ғалла топшириш режасини ҳар чоракда 112 центнердан бажарганликлари учун туман ҳокимлиги фермер хўжалигига "Тико" автомашинаси туҳфа этди.

Албатта, меҳнат қилган киши элда хор бўлмайди, ҳам оиласини боқади, ҳам ўз маҳалладошларига ёрдам қўлини чўзади.

Исмоил Тангиров фермер хўжалиги даромади ҳисобига маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ёрдам бериб, кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан маблағ ажратди. Фермер хўжалиги ҳисобидан артезиан қудуғи қаздирилди.

Яқинда хўжалик раҳбари яна бир хайрли ишга бош бўлди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан хўжалик ҳисобидан маҳалладаги қаровсиз ётган тиббий хизмат кўрсатиш биноси таъмирланиб, ишга туширилди.

Ч.ЭЛМУРОДОВ,
Денов шаҳридаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Олам турфа

ГАПИРУВЧИ ҚУТИЛАР

Уэльснинг шарқий қисмида жойлашган Рексхем шаҳри кўчаларида гапирувчи ахлатқутилар мавжуд.

Бу қутилар "Тозаликни сақлаганингиз учун шаҳар кенгаши номидан сизга ташаккур!" деб ахлат олиб келганларга миннатдорчилик билдирибгина қолмасдан, эндиликда кўпгина фирма эгаларининг ўз маҳсулотларини реклама қилишда ҳам муҳим воситага айланган.

Ҳозиргача икки юздан ортиқ фирма маҳсулотлари ойнаи жаҳонда эмас, балки шу қутиларга ёпиштирилиб реклама қилинди. Чунки қутилар гапира олиши билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Турли фирма эгалари бу имкониятдан унумли фойдаланишмоқда.

* * *

Яна Уэльс давлатидаги Гуэнг графлиги савдо марказларидан бирида ҳам кераксиз нарсаларни ташлаш учун қутилар ўрнатилган. Унга қоғоз ҳалта, газета ёки бошқа бирор нарсани ташлашингиз билан қутидан: "Кўчага ташламаганингиз учун рахмат!" деган баланд овоз чиқади. Ахлат қутисига ўрнатилган мослама, қути қопқоғи очилганида миннатдорчилик сўзлари айтилишини кузатиб туради.

* * *

Американинг Пенсильвания штатидаги "Хейэлтон" миллий боғидаги чиқиндилар ташланадиган қутилар турли ҳайвонлар шаклида ишлангандир. "Фил" ёки "айиқча" ичига бирор нарса ташланса бўлди, ундаги автомат ишга тушиб, боғ озодалиги сақланганлиги учун миннатдорчилик сўзлари янграйди. Бу янгилик айниқса, болаларга ёқиб қолган, улар тезда бутун боғни топ-тоза қилиб қўядилар.

Маслаҳатчи тажрибасидан

Фарғона вилояти

ЙИҒИННИ БИЛГАН ...ЙИҒИНДА ИШЛАЙДИ...

Марғилон шаҳри маҳаллаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича 54 нафар маслаҳатчи фаолият кўрсатади. Ғўрмаввал маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Жамилахон Аҳмедова бу вазифага тайинлангунга қадар маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасида ишлаб келарди. Шу боис у маҳаллада кимлар яшаши, улар нима билан шуғулланишидан яхши хабардор эди. Қолаверса, одамлар билан ишлашда қобилияти, тажрибаси, билими етарли, ўзгаларга талабчан, изланувчан аёл эди.

Шу сабабли ҳам янги вазифага тайинланган куниданоқ ишга астойдил киришди. Аввало; ишни фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Низом билан танишишдан бошлади. Шу асосда ўзининг иш режасини тузди.

Иш режасида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалар, хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, уларни иш билан таъминлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш, соғлом оилани шакллантириш, спортни ривожлантириш, диний экстремизм ва ақидапарастликка, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш, мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш каби қатор масалалар кўзда тутилганди.

У бу ишларни бажариш учун атрофига маҳалладаги фаол аёлларни тўплаб, улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борди.

Маҳаллада 3150 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 1109 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Маслаҳатчи ташаббуси билан улар энг намунали, нотинч, ёрдамга муҳтож оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, туғиш ёшидаги аёллар, ишсиз аёллар сингари тоифаларга бўлиб чиқилди.

— Маҳаллада аҳиллик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда энг намунали оилалар тажрибаси қўл келяпти, — дейди Жамилахон. — Бундай оилалар элликдан ортиқ бўлиб, улар орасида Мақсудахон Ғаниева, Муборакхон Лутфутдинова, Кимёхон Комилова, Нурхон Йўлдашева, Азизахон Азизова сингари уй бекалари бош-қош бўлаётган оилалар алоҳида ажралиб туради, намунали оилалар ҳам ўз навбатида энг аҳил, зиёли, тадбиркор, сариштали, спортчи оилаларга бўлинган.

Маҳаллада тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, аҳолининг ишсиз қисмини ишга жойлаштириш бўйича ўтказилган меҳнат ярмаркасида 20 нафар ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилди. 5 нафар тадбиркор ва ҳунармандга 35 нафар уйда ўтирган аёллар ва ёшлар бириктирилиб "уста-шогирд" анъаналари бўйича ҳунар ўргатилмоқда.

Маҳалла аҳолисининг аксарият қисми тадбиркорлик билан шуғулланади. Улар орасида аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, Манзурахон Қозоқова қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи ташкил қилиб, ширинликлар ишлаб чиқаришни, Ҳанифахон Мамажонова аёллар пальто ва плашларини, Муборакхон Лутфутдинова аёллар ва эркаклар либосларини тикишни, маҳалла маслаҳатчиси Жамилахон Аҳмедова эса махсус цех очиб, бардюр тайёрлашни йўлга қўйдилар.

Маҳаллада оилавий спортни ва болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Маҳалла болаларидан тузилган футбол жамоаси шаҳарда ва вилоятда ўтказилган мусобақаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу йил жамоа сардори Муҳаммадамин Вохидов Олимпия заҳиралари лицейига ўқишга кирди ва вилоятнинг "Нефтчи" футбол жамоасига қабул қилинди.

Маҳалла тарихи ва унинг яшаб ўтган буюк инсонлари ҳаётини тарғиб қилиш мақсадида қатор кўрик-танловлар ўтказилди.

Маҳаллада қизларни оила қуришга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишлари бўйича "Оила" клуби ташкил этилган. Унинг машғулотлари ҳар ойда мунтазам ўтказиб борилади.

Маҳаллада "Оила куни" нишонланди. "Энг намунали оила", "Отам — оила кўрки", "Зиёли оила", "Ҳунарманд оила", "Гулзор хонадон" сингари қатор танловлар ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жамилахон Аҳмедова шаҳар кенгашининг депутати. У одамлар билан тез-тез учрашиб, муаммоли масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишига кўмаклашмоқда.

Жамилахон "Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси" кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловининг Республика босқичига тавсия этилган эди. У маслаҳатчилар кўрик-танловининг республика босқичида ҳам ғолиблардан бири бўлди.

Кодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Юртимиз тарихидан

ДОНҒИ КЕТГАН САМАРҚАНД АРКИ

Буюк бобомиз Амир Темур Самарқандни ўз пойтахти қилиб танлаб олгач, уни дунёнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айлантиришга асосий эътиборини қаратади. Энг аввал, шаҳарнинг мудофаа деворини қайта мустаҳкам ва баланд қилиб тиклайди. Шаҳар мудофаа деворининг Оҳани, Сўзангарон, Феруза, Қаризгоҳ, Чорсу, Шайхзода номли олтита дарвозаси бунёд этилади. Деворнинг ташқи айлана қисми кенг ва чуқур хандак билан мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, Темур ва темурийлар даврида пойтахт Самарқанд янги бир қиёфага кириб, бу ерда муҳташам саройлар, масжиду мадрасалар, ҳаммомлар, ҳунармандчилик корхоналари, карвонсаройлар, бозор майдонлари, савдо расталари, турар-жой бинолари ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган иншоотлар қурилди.

Самарқанд шаҳар арки шаҳарнинг илгари Чингизхон вайрон қилган мудофаа деворларини қайта тиклаш билан бир вақтда Амир Темурнинг фармонига биноан 1371-1372 йиллар давомида табиий дўнглик, тепалик устида бунёд этилган. Қурилиш ишларида ўз замонасининг энг тажрибали бинокор усталари жалб қилинган. Бу улкан қурилишга амир Оқбуға бошчилик қилган. Арк деворининг баландлиги 8 метр, пастдан деворнинг эни 3 метрдан ортиқроқ қилиб тикланган. Деворнинг юқори қисмида душманни кузатиш мақсадида махсус жойлари ҳам бўлган. Арк девори пахса ва йирик хом ғиштдан мустаҳкам қилиб тикланган. Аркнинг дарвозасига туташадиган жойига ва қисман ташқи олд томонига пишиқ ғишт терилган. Усталар Арк ва ундаги биноларни қуришда хом ва пишиқ ғишт, мармартош, ганч, ёғоч ҳамда турли хил сирланган кошинлардан кенг фойдаланганлар. Аркнинг бурчакларида миноралар бўлиб, у ҳам пишиқ ғиштдан терилиб, сирти сирланган кошинлар билан гўзал қилиб қопланган. Аркнинг тўрт томонида дарвоза бўлиб, эшикларининг ҳаммаси қаттиқ ёғочдан чиройли ва нафис ўймакор усулда ясалган, ёғочнинг сиртига тунука қопланган. Қалъа дарвозаларининг ҳар бирида иккитадан қурол ланган соқчилар турган. Буюк Амир Темур қурдирган бу Арк шунчаки истеҳком эмас, балки пойтахтнинг мустаҳкам маъмурий маркази ҳам бўлган.

Самарқанд Арки ичидаги маъмурий ва турар-жой бинолари аниқ режа асосида чиройли қурилган бўлиб, унда ҳукумат идоралари, масжид ва мадрасалар, шоҳона уйлар, ўн беш минг жилддан иборат ноёб қўлёзма китобларни ўз ичига олган улкан кутубхона, Амир Темурнинг хазинаси ва тахти, зарбхона, қуролсозлик устахоналари, ҳаммом, ҳовуз, зиндон ва бошқа бинолар жойлашган. Шунингдек, бу ерда маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари, яшил хиёбон, гулзорлар, мевали ва манзарали дарахтлар, ҳунармандчилик устахоналари, дўконлар ва савдо расталари тартиб билан жойлаштирилган.

Арк ичидаги биноларнинг пойдеворлари мармартош ва пишиқ ғиштдан, эшиклари сифатли қаттиқ ёғочдан ўймакор усулда ясалган. Деразалари ганч панжарали, хона эшиклари эса ҳашамдор қилиб безатилган. Арк дарвозасининг улкан эшикларининг жарангдор ҳалқалари 7 хил маъдан қотишмасидан зўр маҳорат билан тайёрланган.

Самарқанд Арки ичида юқорида эслатиб ўтилган бинолардан ташқари давлатнинг асосий қароргоҳи бўлган Кўксарой ҳам жойлашган. Бу сарой тўрт қаватли бўлиб, гўзал ва нақшлари бетакрор бўлган. Ушбу сарой безаклари кўк зангори рангдаги сиркор кошинларга бой бўлганлиги сабабли Кўксарой, деб юритилган. Арк ўртасидаги бу гўзал маскан Амир Темур замонида ҳам, ундан кейин ҳам салтанатнинг муҳим тадбирлари ўтказиладиган асосий жой сифатида хизмат қилган. Жумладан, хонни тахтга ўтқазиш ёки уни тахтдан олиш каби маросимлар ва элчи, шаҳзодалар ҳамда олий мақомдаги меҳмонларни қабул қилиш ҳам шу жойда амалга оширилган. Салобатли, катта ва кенг хонанинг ўртасида яхлит мармар тошдан машҳур сангтарошлар томонидан жуда чиройли қилиб тарошланган Кўктошдан иборат баланд супа жойлашган. Самарқандлик XIX аср тарихчиси Абу Тоҳир Хожанинг ёзишича, "Ушбу Кўктош узун шаклда бўлиб, узунаси тахминан ярим аршин, эни 2 аршин ва ердан юксаклиги бир аршин келади. Тошбурчакларида турли ўймакор ёзувлар бор". Мана шу Кўктош устида безатилган тахтда хон ўтирган. Бу тарихий Кўктош ҳозир Гўри Амир мақбараси ҳовлисида сақланмоқда.

Арк ўртасида Амир Темур томонидан қурилган кошоналардан яна бири Бўстонсаройдир. Бу чиройли оромгоҳда асосан салтанат ҳукмдорининг яқин кишилари, шоҳу вазирлар, уларнинг оила аъзолари, таълимгоҳ ва бошқалар жойлашган. Шунингдек, бу ерда дам олиб ҳордиқ чиқариш, базм ва тўй-томошолар, олий мартабали кишиларнинг тантанали учрашувлари мунтазам уюштирилиб турилган.

Бўстонсаройда узоқ-яқиндан келган элчилар, меҳмонлар ҳам қабул қилинган. Бунёдкор бобомиз Амир Темур томонидан Арк ўртасида қурилган Кўксарой ва Бўстонсаройларни салобати, безаги, буюклиги тўғрисида хорижлик элчи ва меҳмонлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Мирзо Бобур Кўксарой тўғрисида: "Самарқанд Аркида Темурбек бир улуғ Кўшк солибтур, тўрт ошёнлик Кўксаройга мавсум ва машҳур, бисёр олим иморатдир", — деб ёзади.

Арк ва ундаги гўзал саройлар ва биноларни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Клавихо ҳамда шарқшунос Ханиковлар бу ердаги биноларнинг қурилиш услуби, нақшларга бойлиги ва ниҳоятда гўзаллигини таърифлаганлар.

Кейинги асрларда ҳокимиятни эгаллаш учун олиб борлиган тўхтовсиз курашларда буюк бунёдкор Амир Темур томонидан қурилган Арк ва ундаги бинолар муҳташам саройлар талон-тарож қилинди, биноларнинг бир қисми вайрона ҳолига келиб қолди.

XIX асрнинг II ярмида, аниқроғи 1868 йилнинг 1-2 майида чор Россияси қўшинлари томонидан Самарқанд истило қилингач, қалъа ва ундаги муҳташам саройлар ва бошқа бинолар истилочилар ихтиёрига ўтди. Аркдаги сарой ва бошқа бинолар оёқ ости қилиниб, казарма, касалхона, ошхона ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган хоналарга айлантирилди. Ундаги бойликлар — қимматбаҳо кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, олтин ва қумушдан ясалган заргарлик буюмлари, ўймакор эшиклар, турли ложувард безаклар, тарихий битикли лавҳалар, қимматбаҳо китоблар, нодир қўлёзма асарлар ва турли тарихий ҳужжатлар талон-тарож қилинди. Арк ичи ва атрофдаги тарихий-меъморий обидалар, масжидлар, шунингдек, катта бозор ва у ерда жойлашган дўконлар вайрон қилинди. Аждодларимиздан қолган тарихий меросни оёқ ости қилдилар.

Шундай қилиб, бир замонлар донғи етти иқлимга кетган Самарқанд Арки ва ундаги машҳур саройлар, бинолар, ўзаро ва ташқи босқинчилик урушлари қурбони бўлди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Ривоятдаги ўтмиш

АҲТАМ САҲОБА КИМ БЎЛГАН?

Унинг зиёратгоҳи мустақиллик шарофати билан қадр топди

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида халқ тилида Аҳтам Саҳоба номи билан аталадиган масжид-мақбара бор. Айтишларича, бу масжид-мақбара Буюк ипак йўлида жойлашганлиги боис узоқ-яқиндан йўлга чиққан карвонлар шу жойни дам олиш учун ўзларига қароргоҳ қилган эканлар. Шу боис Янгиқўрғон қишлоғи Каттақўрғон, деб ҳам номланган.

Ривоятларга кўра Аҳтам Саҳобани Муҳаммад пайғамбаримиз содиқ умматларидан деб билганлар. Ривоятда айтилишича, Аҳтам Саҳоба лашкарлар сони жиҳатидан ўзидан уч баробар кучли бўлган Мақтин Полвон билан жангга кириб, мардонавор курашади.

Лашкари кўп эмасми, Мақтин Полвон Аҳтам Саҳобани асир олиб, бошини танасидан жудо этади. Эгасидан айрилган от Маккага қараб йўл олади. Дулдул қишлоғига етганда Ҳазрат Алининг олдидан чиқади.

— Эганг қани? — дея сўрайди отдан Ҳазрат Али. Шунда от кишнаб, уни эгаси ёнига етаклайди. Ҳазрат Али Аҳтам Саҳобанинг боши йўқ танасига дуч келади.

Бу ривоятлардан маълум бўладики, Аҳтам Саҳоба масжид-мақбарасининг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади.

Бу мақбара тарихда бир маротаба, яъни 1333 йилда таъмирланган экан. Мустақиллик йилларида масжид-мақбара тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Атрофига манзарали дарахтлар ўтказилиб, зиёратчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит яратилди.

Х.ШОПЎЛАТОВ

МУНАЖЖИМЛАР МАЪЪИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Ушбу кунларда бирор бир қатъий қарорга келишга мажбур қиладиган муаммо ва масалалар ечимига киришмаганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳаётингизни яхши томонга ўзгартиришни истасангиз, оила аъзоларингиз, айниқса турмуш ўртоғингиз маслаҳатларига қулоқ тутинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда буткул ишга шўнғиб кетасиз. Бу борада айниқса, рўзғордаги юмушлар осон ҳал бўлиши кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ижодий мувофақиятга эришиш йўлида фарзандларингиз ва яқин кишиларингиз меҳри ва эътибори далда бўлиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Сўнгги кунларда кўп вақтингизни қариндош-уруғлар, оила аъзоларингизга ажратасиз. Уларни тушуна олишингиз сизнинг ютуғингиздир.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда ғаразли кишилар мақсадларини фош қилишингиз ёки мавҳум бўлган нарсалар ечимини топишингиз мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Муаммолар ечимида осон йўлларни излашингиз сизга панд бериши мумкин. Айни кунларда соғлиғингизга эътибор беринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Турли кўнгилсизликларни унутиб, ҳаётингизни янгидан бошлаш вақти келди. Ўзингиз билмаган қобилиятларингиз юзага чиқиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда яқинларингиз юмушларининг ечими сизинг қўлингизда бўлиши мумкин. Бундан ғаразли мақсадларда фойдаланманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ғайритабиий тасодиф ва учрашувлар ҳаётингизни бирмунча ўзгартиради. Ҳаётингиздаги ўзгаришлар сиз учун фойдали.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳамкасблар орасида обрў-эътиборингиз кўтарилиши мумкин. Айни кунларда оила аъзоларингиз эътиборингизга муҳтож.

БАЛИК (19.02-20.03)
Чет эл сафари ёки сайёҳат ҳаётингизни буткул ўзгартириб юбориши мумкин. Сафардаги романтик танишувлардан чўчиманг.

Тошкент вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бўлимнинг етакчи мутахассиси Холида Рустамовага набираси **ЭЪЗОЗА**нинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кўнгил таскини

БИР СИНОВНИНГ БИР СИЙЛОВИ БОР...

Муҳтож инсоннинг ягона таскини меҳр-мурувват бўлар экан. Нуқсоним — тақдирдан. Туғма ногирон бўлиб дунёга келибманми — бу ҳам Яратганнинг бир имтиҳони. Иродамга, иймонимга берилган синов.

Бироқ бир синовнинг, бир сийлови ҳам бўлар экан. Маҳалламизда меҳрибон инсонлар кўп. Рости, бундай одамлар орасида яшаётганимдан қувонаман. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, фаолларининг биз каби мискинларга кўрсатаётган ёрдами катта. Оқсоқолимиз Илёс Файзиев ҳамиша ҳолимдан хабардор. У киши байрамларда турли ноз-неъматлар кўтариб хонадонимизга йўқлаб келадилар. Ширин сўзлари билан ҳар гал кўнглимни тоғдек кўтариб кетади.

Аёл кишининг кўнгли нозик бўлади. Кўча-кўйда ҳар кимга ҳам очилиб гапира олмайман. Ёрдамга муҳтож бўлиб қолганимда дуч келган одамдан кўмак сўрашга оғринаман баъзида. Шундай пайтда маҳалладошларим, хусусан, 198-мактаб ўқитувчилари, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари — Фотима ва Зуҳра Обидовалар менга энг яқин мададкор бўладилар. Қолаверса, кўни-қўшниларим ҳам оқибатли одамлар. Уларнинг илиқ муносабатлари дилимга қувват беради. Энг асосийси, бу яхшиликлар ортида миннат йўқ. Менинг қўлимдан келадигани эса — ана шундай меҳрибон, саховатпеша инсонлар ҳақига куну тун дуо қилиш, Яратгандан уларга узоқ умр, бахт-саодат сўраш. Истардимки, муҳтожларни суяган бундай мададкор одамлар бизнинг бахтимизга доимо соғ-омон бўлсинлар.

Холбиби ХАЛИЛОВА,
Ҳамза туманидаги Машарипов номли маҳалла фуқароси, I гуруҳ ногирони.

МУБОРАК АЙЁМДАГИ ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Бугун арафа. Эртага мусулмон оламида катта айём — Рамазон Ҳайити. Бу кун қалбларда инсонпарварлик, хайр-саховат, меҳр-оқибат туйғулари жўш урадиган кундир. Ушбу муборак кунда табаррукларимиз юртга тинчлик, қалбларга иймон тилаб дуолар қиладилар. Зеро, барча фаровонликлар, яхши амаллар аввали ана шу икки фазилатдандир. Муборак дамлардаги дуолар ижобат бўлгай, иншооллоҳ!

"MUNIS-ZIYO" маъсулияти чекланган жамияти Сизга катта ассортиментда китоб, қоғоз-босма ва канцелярия маҳсулотларини таклиф қилади. Шу билан бирга бу ерда Сиз, турли хил бланкалар, босма маҳсулотлари, табрик қоғозлари ва таклифномаларга буюртма беришингиз мумкин.
Тўлов нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Манзил: Тошкент шаҳри матбуотчилар кўчаси 32-уй — "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концернининг "Газеталар таҳририяти" биноси. Тел: 133-75-03, 136-54-29

"Газетанинг 2005 йил 26 октябрь сонида босилган "Кузатув Кенгашининг протоколига кўра Учтепа туманидаги ОАО "OSIYO FOOD"нинг муҳри бекор ҳисобланади", мазмунида берилган эълон матни қонуний асосга эга бўлмаганлиги учун бекор ҳисобланади.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Эътиборсиз бўлманг, одамлар!

ОЛОВ – ЁВ БЎЛМАСИН

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов"сиз тасаввур этиш қийин. Ушбу ёқилғидан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Кўп ҳолларда бу масъулият хонадон эгалари, оила бекалари зиммасида бўлади.

Уй шароитида "зангори олов"дан фойдаланганда газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири саналади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқлар, синтетик кийимлар шулар сирасига киради. Чунки, кимёвий моддалар, уй жиҳозлари, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари ёнганда ўзидан кўплаб заҳарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради. Тутун таркибида ҳавога кўтариладиган кислоталар, углеводлар, оксидланган азот, заҳарли газ хонадон эгалари ҳаётини хавф остида қолдиради. Турар-жой биноси томларида хашак, ўтин ва бошқа тез ёнувчи нарсаларни сақлаш ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мутлақо зиддир. Газ печкаларини уч соатдан ортиқ узлуксиз ёқиб қўйиш мумкин эмас.

Олов тилсиз ёв, дейдилар. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча эҳтиёт чоралари кўриб қўйилиши зарур. Бунда кўнгилли ёнғин ўчирувчилар, ёнғин хавфсизлиги ходимлари маслаҳатлари ва кўмагига таяниш фойдали.

Н.ХЎЖАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор.

Сергели туманидаги 305-ЭКО лицейи томонидан 1995-1996 ўқув йилида Зокиров Собит Махаматсобирович номига берилган UZ 7 306942 рақамли 9-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Ҳамза тумани ҳокимияти томонидан Якишина Валентина Ивановна номига 1993 йил 27 апрелда берилган 07-01/9187 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Чилонзор туманидаги "ЧП Сулейманов Равшан Таджибаевич"нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юнусобод туманидаги "ЧП Эгамбердиева Наргиза Маратовна"нинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент политехника техникуми томонидан 1995 йилда Исламов Ильхом Ходжимуратович номига берилган 007522 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АҚВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsinvestition GmbH
Trauareut - Deutschland
STAR PARK CATALOGUE
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7028 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-122 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5